


KONFERENSIYA

2022

APRIL



2022 APREL




“TA’LIM-TARBIYA JARAYONIGA INNAVATSION
YONDASHUVLAR, MUAMMO VA YECHIMLAR”

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY

KONFERENSIYASI

TALABALAR, MAGISTRLAR, PEDAGOGLAR UCHUN



zenodo





ИЛОҲИЙ ИШҚ ҲАҚИҚАТИ

Ҳайитов Шавкат Аҳмадович

БухДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, филология фанлари доктори

Таянч сўзлар: Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Саъудиддин Кошғрий, накшбандия, “Насойимул-мухаббат”, “Хамсатул-мутаҳаййирин”, ошиқ, маҳбуб, маърифат, назм, кўнгил.

Ключевые слова: Алишер Навои, Абдурахман Жами, Саудицин Кашгари, накшбандия, “Насойимул-мухаббат”, “Хамсатул-мутаҳаййирин”, влюбленный, любимый, образование, сердце.

Keywords: Alisher Navoi, Abdurakhmon Djamy, Saudiddin Khoshgari, nakhshbandy, “Nasoyimul-muhabbat”, “KhamSATul-mutahayyirin”, lovev, beloved, enlightenment, poetry, heart.

Мақолада Абдурахмон Жомий шахсига хос аклий ва маърифий камолотнинг туб моҳияти очиб берилган.

В этой статье раскрыта суть психообразовательное совершенствования Абдурахмана Жомия.

It has been opened the redicol meaning of sensiable intellectual maturity which is peculiar to the greatman Abdurakhman Djamy.

“Насойимул-мухаббат”да битилишича, Саъуддин Кошғарийнинг пирлари Мавлоно Низомуддин Хомуш бўлиб, Мавлоно Низомуддин “Хожа Алоуддин Аттор асҳобидиндур”лар [3,275-277]. “Хамсатул-мутаҳаййирин” “Муқаддима”сида битилган куйидаги жумлалар Абдурахмон Жомий ҳаётида жазбанинг сулукдан олдин келганлиги, унинг мажзуб солиқлардан эканлигини кўрсатади: “Чун аларға биззот машраби тавҳид воқеъ бўлғондур,



ҳақиқат жамолин мажоз музоҳири мушоҳадасида муояна кўриб, беихтиёрлиғлар даст берур экандур» [2,11]. Тасаввуф илмига оид манбаларда қайд қилинишича, Ҳаққа етиш, илоҳий маърифат ҳосил қилишнинг бу йўли (жазба) сулук давомида етган ишқ туғёнидан устун ҳисобланади.

Юқорида кўчирилган ихчам иқтибос матлубнинг Маҳбубга қўшилганлигига, иккиликнинг йўқолганлигига, тавҳидга эътиборни тортади. “Хамсатул-мутаҳаййирин”дан келтирилган жумланинг давоми илоҳий оламга қўшилган, ўз истакларини буткул фано ўтида куйдириб, Илоҳ сифатлари билан безанган Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг руҳияти манзараларини ёритади: «...ҳақиқат жамолин мажоз музоҳири мушоҳадасида муояна кўруб, беихтиёрлиғлар даст берур экандур» [2, 11]. Ўз вужудини Ҳақ вужудида маҳв айлаган, Ҳақ бақосида ўзлигини қайта топган комил инсон дунёга кўнгил кўзи билан қараб борлиқдаги мавжудотларда Ҳақ жамолининг аксини кўради. Ошиқи пок Ҳусни мутлақни кўргач, Ҳақ ҳусни беҳудлиги натижасида ўзлизидан айрилиб, ҳайратга чўмади. Ҳақ ҳусни мушоҳадасидан қалбида пайдо бўлган завқу сурурни, илоҳий маърифатни «назм либосида» оқ қоғоз бағрига сочишдан ўзга илож топа олмайди. Фақат шу йўл билангина илоҳий жунун («машраби тавҳид») жўш урган кўнгил таскин топиб, Маҳбуб жамолига талпинган юрак ором олади: «Ул маънини назм либосида адо қилмоқдин гузирлари йўқ экандурким, бу восита била ўтқа таскин ва ўтлуқ кўнгулга ором бўлур экандур» [2,11]. Алишер Навоий талқинича, ана шу жазба-илоҳий ишқ туфайли Нуриддин Абдурахмон Жомий шеър ёзишдан ҳеч қачон холи бўлмаган. Мумтоз шеърятнинг деярли барча жанрларида нодир асарлар яратган. Шеърини китоблар тасниф қилиш, девон яратиш анъанасини ҳадди аълосига кўтарган: «Бу жиҳатдан назмдин ҳаргиз фориг бўлмайдурлар ва бу боисдин назмға тавдину девонға тазйин бўлубтур ва мурури айём ўтуб, аларнинг назми ҳар синф шеърдин оламнинг золининг қулоқ билан билагин самин дурлар била музайян ва жайб била этагин оташин лаъл била мамлу ва мулавван қилибтурлар...» [2, 11-12]. Шахсий «Мен»дан қутулиб, илоҳий маърифат орқали ўзини англаган Ҳазрат Жомий сиймоси ҳамиша камтаринлик кўзгусида зуҳрланиб турган: «Киши улуми зоҳирийдан ва маънавийдан бир масъала илқо қилгунча ҳаргиз алар оқдин қарони маълум қилғонлари маълум бўлмади» [2,13].

Сўфийлик, шоирлик ва олимлик истеъдодини ўз шахсида мужассам этган Абдурахмон Жомийда ҳофиза қуввати бениҳоя баланд бўлган. Кўнгилга нур бўлиб қуйилган маърифат чексиз истеъдод кафолатини берган: «Аmmo масъала илқосидин сўнгра доғи бори улумға маҳорату истихзор ул мартабада эрдиким, ҳаргиз ҳеч китобға боқмоққа эҳтиёж бўлмади» [2,13].



Қалбда кучли муҳаббат туғён қилганда сўфий шоир табиат ва наботот оламидаги ҳар бир мавжудотда Ҳақ жамоли тажаллийсини кўради. Гулда, дарахтда, дарахтнинг шоҳу баргларида, мевасида, сабзада, ғунчада, булбулда Аллоҳнинг гўзал сифатлари зуҳур этади. Бутун борлиқда Аллоҳ азаматини кўрган ошиқи пок Аллоҳ ҳусни мушоҳадасига берилади. Барча гўзалликлар манбаи, кудрату улуғлик соҳиби Ҳақ субҳонаҳу ва таоло томон талпинган юракда маърифат йўли очилади. Ғайб пардалари кўтарилиб, ориф шоир илоҳий сир ва маъноларни кашф эта бошлайди. Илоҳдан ўзга нарсалардан ажралади. Ҳамма нарсани Мутлақ руҳ тажаллийси деб билиб, бутун оламни Ҳақ зотидан иборат деб ҳисоблайди. Инсонни, табиат ва наботот оламини Илоҳга боғлайдиган сабаб, воситалар унинг шуурида мутлақо орадан кўтарилади. Фақат ягона вужуд бор - Аллоҳ вужуди. Оламдаги бошқа нарсалар-Мутлақ вужуднинг сифатлари, хусусиятларидир. Кўзига Ҳақдан бошқа нарса кўринмай қолган, Илоҳ тажаллийи жамолининг мафтунни ва асирига айланган кўнгил бетоқат ва безовта бўлиб, яратиш, илоҳий илҳом завқи билан қайнаб тошади. Ишқ ва иштиёқ ғалабаси шиддатидан кўнгилда пайдо бўлган беҳад шавқу сурур, Матлуб жамоли, санъати ва камоли, мушоҳадаси ва мукошифасидан қалбга нузул этган илоҳий маърифат шеър, ғазал бўлиб қуйилиб, «ўтлуқ кўнгул» ундан таскин топади: «...ҳар мулойим мазҳарининг ҳусну малоҳатиким, Ҳақ жамолияти тажаллийси била зуҳур қилмиш бўлғай ё жавру бедоди офатиким, жалолият сифати била жилва кўргузмиш бўлғай, ул сифотидин зоти айният мушоҳада қилиб, сабабни мутлақо орадин муртафеъ кўруб, кўзлариға мусаббибдин ўзга нима келмаган жиҳатидин бетоқат бўлиб, ҳар не ул изтиробда аларға ишқ шиддатидин ва шавқ суубатидин юзланса эрди жонсўз шеърлар ва дилфурўз ғазаллар иштиғоли била ул таҳаммулсизликқа итмийнон берурлар эрди» [2, 13].

Ҳазрат Жомий шеърини илоҳий жазба теккан, зотий, аслий тавҳид воқеъ бўлган, илоҳий нур шуъласи кўнгил уйини масрур этган илҳомли дамлар натижаси бўлганлиги учун ҳам унда ҳақиқат болидан лаззат, маърифат нуридан ҳаловат, ишқ ўтидан ҳарорат бор. Шунинг учун ҳам мутафаккир шоирнинг латиф ва маънодор сатрлари илоҳий ишқ аҳлига ҳам, пок инсоний муҳаббат жамоасига ҳам бирдек хузур, маънавий фароғат бағишлайди. Алишер Навоий талқинича, маърифат билан йўғрилмаган шеър нурсиз шамъ, ишқ ҳароратида тобланмаган назм йўлбошчисиз тўдадир. Ишқ жўш урмаган калималар – жонсиз, куруқ жасад, ишқ алангасида тарбияланмаган лафз ва иборалар-гул ва райҳонсиз чамандир. Кўнгилни сўфиёна завқу шавқ қамраб олган дамларда-фано мақоми ҳолатида шеърини Мавлоно Жомийга мадакдор бўлган. Ўз навбатида илоҳий ишқ маърифат сувига қондирилган сатрлар умр боқийлигини тайин этган: «Ва бу ҳол доғи



аларға одоби тариқатдаким, тасаввуфда боиси фано бўлғай, кўп мадад берур эрди» [2,13].

Мазкур жумладан кейинги сатрларда Аллоҳ жамоли хайратидан ўз вужуди-борлиғини буткул унутган, ўзидан хабар ва ўзлигидан асар қолмаган шайхи муршиднинг ҳол мақомидаги руҳияти манзаралари қаламга олинади. Илоҳий жазба теккач (сукур ҳолатида), мушоҳада хушсизлиги сабабли Ҳақдан ўзга барча нарсалардан ажралиш; бошдан оёқ яланг ҳолатда тоғу водийга чиқиб кетиш; ғайри одатий, қаландарона, дарвешона, мажнунона хулқ-атвор Мавлоно Жомийда ҳам содир бўлган: «... ҳар ойинаким, беихтиёрлиғлардин қаландарвашлиғ ва сару по бараҳналиғ ва тоғу водий тутмоқ ва мақсуди аслийдин ўзга барчани унутмоқлик даст берур, ...» [2,13]. Аммо одамлар соҳиб камол инсондаги бу ғайриодатий, мажнунона ҳаракатларни зоҳирий ишққа йўйиб, пири комилнинг асл мақсадидан беҳабар қолишган. Нуриддин Абдурахмон Жомий фано мақомига етганликларинилоҳий ахлоққа эришганликларини имкон қадар элдан яширишга, ташқи кўринишдаги хатти-ҳаракатлар, муомала-муносабатлар билан асл моҳиятни беркитишга ҳаракат қилганлар: «...аларнинг бу шевасин зоҳир аҳли ишқи зоҳири маҳзға ҳамл қилиб, аслий мақсудларидин ғофилу отил қолурлар эрди» [2,13]. Чунки кўнгли Ҳақ ёди била тўлиқ, илоҳий сирлардан хабардор, фақру фано мақомига етган комил инсон ўз эътиқодини кўз-кўз қилмайди. Мутлақиятга қўшилган, кайҳону фалак асроридан хабар келтирувчи инсони комил Ҳақ ила яқинлигу сирдошлик истаса тавҳиддан сўз очмаслиги даркор: «Бу дарёга кирган гавҳари мақсуд тиласа дам асрамоқ керак ва бу ҳарамға йўл топқан маҳрамлик тиласа дам урмамоқ керак» [1, 84-85]. Шунинг учун ҳам Нуриддин Абдурахмон Жомий тариқат одоби сулукида ўз тарийқларини шундай нозик усул билан тузганларки, ҳеч ким у кишининг зоҳирий илмлар, бадий ижод ва XV асрда машҳур бўлган, йирик илм-маърифат намояндалари шуғулланган муаммо илми ва иншо санъатидан бошқа яна бир муқаддас, пок, азизроқ яширин иш билан машғул эканликларини англамаганлар. “Ҳамсатул – мутаҳаййирин”дан ўқиймиз: «...ҳеч киши аларнинг...ниҳоний амрға машғул эрконларин билмадилар ва фаҳм ҳам қилмадилар» [2,12]. Ҳазрат Алишер Навоий талқинларидан маълум бўладики, тариқат йўлига кирган ҳар бир солиқ пирга эҳтиёжманддир. Мажзуб солиқ ҳам муршид қўлида тарбияланиши шарт. Хусайн Воиз Кошифий эса ёзади: «Шубҳасиз, кимниким иродати йўқдир, унинг саодати ҳам бўлмас» [6,23]. Нуриддин Абдурахмон Жомий ихлос билан нақшбандия тариқатининг XV асрда Хуросондаги комил муршиди Саъиддин Қошғарий хизматига кирганлар. У киши ўз замонасининг бузрукворлари Баҳоуддин Умар, Мавлоно Боязид Пуроний, Мавлоно Муҳаммад Асад каби тасаввуф



шайхларидан ҳам таълим олганлар: «Аммо толиби илмлик ва шоирлик суратидаким, бу шариф илм сатр ва китмониға бу икки ишдек парда мумкин эрмас топилмоқ, невчунким дарвешлик фано касбидур, балки фанойи маҳздур ва бу икки иш маҳз даъвою жадал ва анонияти худписандлиқдур» [2,12].

Алишер Навоий, унинг замондош, салаф ва улуғ халафлари эътиқодига кўра, дарвеш - уйғоқ қалби, ақлий ва маърифий камолоти билан кишилиқ жамиятининг энг олий табақаси намояндасидир. Улуғ ўзбек шоирининг дўсти ва замондоши Ҳусайн Воиз Кошифий ёзадики: «фақр валилик конидан топилган гавҳар ва ҳидоят осмонида чакнаган ахтар (юлдуз)дир». У - бамисоли қуёш, яхшию ёмонга беминнат нур сочади, ҳеч кимни ўз нуридан бебаҳра қолдирмайди. У заминдай вазмин, тавозеъли, давр ва замон «инқилоби қусури» таъсирида ўзгармас, ўз мақомидан силжимас собит қалб ва хулқ-атвор соҳиби. Дарвеш булут каби сербарака, саховатли. Хўлу қуруққа баробар раҳмат ёмғирини ёғдиради, гўристон билан гулистонни ажратиб ўтирмайди [6, 21]. Шоир ва олимда яратиш завқи бўлса-да, унинг кўнгли нафсу ҳирс ғуборидан тўла қутулмаган бўлади. Инсон нафсу ҳирс ғуборидан буткул покланиш, манманлигу мутақаббирликдан озод бўлиши учун ўзининг шахсий «Мен»идан қутилиши керак. Ўз кўнгли, нафси тақозо қилган истакларни фано ўтида қуйдирмагунча ва «буду нобуд»дан холи бўлмагунча инсон шахсий «Мен»идан қутула олмайди. Ҳазрат Алишер Навоий ёзаяптиларки: «бу икки иш (олимлик ва шоирлик) маҳз (нуқул) даъвою жадал ва анонияту (манманлигу) худписандлиқдур». Чиндан ҳам, истеъдодли шоир ва олим тез халқ назарига тушади. Эл орасида шухрат, ҳурмат, эъзоз пайдо қилади. Ёзган асарлари бу икки касб соҳибини элга танитиб, тилга туширади. Халқнинг диққат-эътиборини ўзига тортиш, элда ўзига нисбатан ҳавас-иштиёқ уйғотиш билан шоиру олим ўз иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзлигини намоён қилади. Ўзини намоёиш қилиш эса худписандлик аломатидир. Аста-секин шоиру олимнинг ўзи ҳам халқ таърифига эҳтиёж сеза бошлайди. Халқ таърифига таҳсинига сазовор бўлиб ном чиқариш, донг таратишда эса сўфийлар эътиқодига кўра манманлик нишонлари мавжуд. Чунки ана шу таҳсинга сазоворлик, донг таратиш, ном чиқариш замирида ҳавойи нафс истаги-шухрат, довруқ, машҳурлик, обрўпарастлик илллати ётади. Яна «...ҳашаматни дўст тутурлар. Ва халқ таъзим қилмоғи ва табарруқ билмоғидан шод бўлурларки, халққа мақбулликни талаб қилмоқдан Ҳақ таоло даргоҳига йироқлик ҳосил бўлур» [5, 52].



Тавҳид мақомига етган сўфийнинг ботинида эса Ҳақ жамоли ва жалолидан ўзга нарсага ўрин йўқ. Жумладан, халқ таҳсин ва таърифига ҳам эҳтиёж йўқ. Жалолиддин Румий буюрганларидек:

Аз сафо гар дам занй бо ойна

Тийра гардад зуд бо мо ойна [4,286].

Сўфий бамисоли кўзгу. Энг олий сифатлар унинг сиймосида акс этади. Даму нафасдан ойна юзи хира тортганидек, таърифу тавсифдан эса комил инсоннинг мусаффо чехрасида ғубор пайдо бўлади.

Хўш, нега Нуриддин Абдурахмон Жомий ўзларини халққа нукул «даъвою жадал ва анонияту худписандлик»дан иборат бўлган «толиби илмлик ва шоирлик суратида» намоён қилганлар? Бу саволга «Кимиёи саодат»даги куйидаги ихчам жумлалар асосли жавоб беради: «Ҳақ таоло суратга назар қилмас, агар зоҳиримиз гуноҳ бирла олуда бўлса ҳам... Зоҳирда халқ, ботинда Ҳақ (билан) дурмиз» [5,52]. Бу масаланинг биринчи томони, иккинчи тарафи шундаки, олимлик («зоҳир улуми») ва шоирлик-ботиний илмни беркитиш, ҳақиқий ҳолни элдан яшириш учун пардадир. Чунки «дарвешлик фано касбидур, балки фанойи маҳздур». Хусайн Воиз Кошифий ёзади: «Тасаввуф даъвони тарк этиш ва маъноларни халқдан яширишдир..., киши то даъводан воз кечмаса, маънога етмас ва то ўз маъноларини яширин тутмаса, тасаввудан баҳра топмайди» [6,18]. Фикримизча, фақр аҳлининг ушбу ақидаси манбаларидан бири Расулulloҳнинг «Устур заҳобака ва заҳобака ва мазҳобака», яъни «Олтинингни, йўлингни ва мазҳабингни сир тут» ҳадисларидир. Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Маҳбубул - қулуб» да битган куйидаги ҳикматлари эса мазкур ҳадис шарҳига хизмат қилади: «Фано тарийқин туз, фақр била мубоҳот кўргуз. Мазҳабингни ихфолиғ била элдин яхши асра ва ёрмоғингни яхши ва ёмондин махфий асра. Афтодалиғ била хўй тут ва шикасталиғ била кўнгулни овут» [1, 123]. Биринчи жумла маъзига Муҳаммад алайҳиссаломнинг «Ал-фақру фаҳри» ҳикматининг мазмуни сингдирилиб, тасаввуф йўли тарғиб қилинган. Иккинчи жумла асосида «Устур заҳобака ва заҳобака ва мазҳобака» ҳадиси туради. Учинчи ихчам жумлада эса фақр аҳлининг хулқ-атвори, рафтор-равиши авлодларга ибрат қилинган. Алишер Навоий сатрларида бир йўла икки ҳадис мантиқи ва шу ҳадислардаги тасаввуфий ва дунёвий ғоялар уйғунлашиб, танбиҳ муҳим ахлоқий-маънавий, ҳаётий-ижтимоий моҳият касб этган.

«Хамсатул-мутаҳаййирин»дан таҳлилга тортилган, шоирлар шаънига айтилган фикрлар манбаи Куръони карим Шуаро сурасининг 225-226-оятлари карималаридир. Мазкур оятлари карималарда давр ва замон эврилишлари



таъсирида ўзгариб, турланиб турувчи, мафкурасиз, маддох, шуҳратпараст шоирлар танқид қилинган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг куйидаги сатрлари ҳам ана шундай қуруқ даъво соясида умр ўтказган назм аҳлига қаратилган:

Керак даҳр аҳлига ўн кун жадал,
Ки беш байтдин боғлағай бир ғазал.
Халойиққа юз хусну ноз айлағай,
Ки ўн йилда минг байт соз айлағай.

Қуръон ва Ҳадисда шеърга эзгулик, иймон, ҳикматли сўзлар, маърифий маъноларни сингдирган ижодкорлар Шуаро сурасининг 225-226-оятлари карималарида танқид қилинган қаламкашлардан тубдан фарқланади ва уларга алоҳида эъзоз билан қаралади. «Шеърда ҳикмат бор», - деганлар Расули акрам (с.а.в). Билиб билмай фисқу фужур ишлар билан машғул бўлган, тўғри йўлдан адашган башар фарзандларини гуноҳ ва жоҳилликдан поклаб, ҳидоят, эзгулик бағрига олиб киришда назмдан қудратлироқ куч йўқ. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абдурахмон ибн Каъбдан, ул зот оталаридан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в) деган эканлар: «Албатта, мўмин киши қиличи ва тили билан жиҳод қилади. Менинг жоним қўлида бўлган зотга қасамки, сизнинг (шоирларнинг) уларга отадиган ўқингиз камон ўқидан ҳам ўткирроқдир».

Алишер Навоий талқинида кўнгил уйи Илоҳ маърифати ила мунаввар, дарвешу огоҳ ҳар қандай ҳолатда ҳам кишилик жамиятининг сардафтари дир. Валийлик, иршодлик даражасига етган дарвеш агар ўзида шоирлик истеъдодини мужассам этган бўлса, у ижодкорлар қавмининг аввалги, олий табақасига мансубдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. Маҳбубул – қулуб. – Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 14-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1998, 84-85-бетлар.
2. Алишер Навоий. Хамсатул – мутаҳаййирин. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 15-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1999, 11-бет.
3. Алишер Навоий. Насойимул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 17- жилд. – Тошкент: “Фан”, 2001, 275-277-бетлар.



4. Румий, Жалолиддин. Маънавий маснавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб. (Таржима шарҳи билан). – Тошкент: “Шарк” нашриёт - матбаа концерни бош таҳририяти, 1999, 368 бет.
5. Ғаззолий. Кимиёи саодат. //Мулоқот, 1999, 5-сон, 50-52 бет.
6. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994, 112 бет.



	Ergasheva Matluba.	
61	МАКТАBLARDAGI RIVOJLANTIRUVCHI TA'LIM GO'YASIGA BO'LGAN QIZIQISH HAQIDA Ergasheva Matluba	303
62	ОБРАЗ ЖЕНЩИНЫ В ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОМ ИСКУССТВЕ. ОБЗОР ИСКУССТВОВЕДЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ. Тўхтаева Малика Сайдирахрловна	308
63	ИЛОҲИЙ ИШҚ ҲАҚИҚАТИ Ҳайитов Шавкат Аҳмадович	313
64	XIX ASR OXIRI VA XX ASR BOSHLARIDA MARKAZIY OSIYODA TABIIY OFATLAR VA ULARNING OQIBATLARI Tursunboyeva Maxsuda	321
65	PEDAGOGIK QOBILIYATLAR VA ULARNING TUZILISHI Bobomurodova Nilufar Salimovna	326
66	BIOLOGIYA DARSLARIDA O'YINLI VA INNOVATSION TA'LIM TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING SAMARADORLIGI Berdiqulova N.R.,	336
67	ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ МУАММОЛАРИ Айтмуратов Ринат Бахытович,	341
68	ADABIYOTDA AMIR TEMUR OBRAZI TALQINI: BADIY TO'QIMA VA TARIXIY FAKT MUNOSABATI Ubaydullayev Shohruh Humoyun o'g'li	347